

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ПЎЛАТОВ АБРОРЖОН МАСУТОВИЧ

**ДИНИЙЛИКНИНГ СИЁСИЙЛАШУВИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Пўлатов Аброржон Масутович

Динийликнинг сиёсийлашуви ва унинг жамият ижтимоий-
сиёсий жараёнларига таъсири.....

3

Пуллатов Аброржон Масутович

Политизация религиозности и ее влияние на социально-
политические процессы общества.....

23

Po'latov Abrorjon Masutovich

The politicization of religiosity and its impact on the socio-
political processes of society.....

45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

49

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ss146 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида(www.Ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муҳаммадсидиқов Муҳаммадолим
Муҳамматрозик ўғли
сиёсий фанлар доктори, проф в.б.

Расмий оппонентлар:

Жўрақулов Фуркат Норйигитович
сиёсий фанлар доктори, доцент

Каримов Фарҳод Эркинович
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона.. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24), e-mail: наука@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-04 Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2- қават, анжуманлар зали.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

К.М.Мирзаахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Г. Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрнинг биринчи ярмида дунёнинг турли бурчакларида исломий қадриятларнинг уйғониши, жамиятда диннинг ўрни ортиб бориши билан бирга ислом динига янги кўринишдаги таҳдидлар ҳам пайдо бўлмоқда. Қуръон ва ҳадисларнинг кўрсатмаларини нотўғри талқин қилиниши, диний қадриятлар ва урф-одатларни бузиб кўрсатилиши шунингдек, исломни терроризм ва экстремизм билан асоссиз боғлаш, “исломофобия” ривожига таъсир қилаётган омиллардандир. Шарқ ва Ғарб дунёсида сиёсий-ижтимоий жараёнларда ушбу омилнинг салбий кўринишда намоён бўлиши, шунингдек динлар билан боғлиқ латент тарздаги зиддиятларнинг кучайиши, минтақавий ва халқаро барқарорликка таҳдидларнинг ортиши шундан далолат бермоқда. Бундай ҳодисаларнинг кучайиб бораётган таҳдиди уларнинг ижтимоий-сиёсий оқибатларини таҳлил қилиш ва истиқболларини белгилаш ва зарурий чоратадбирларни ишлаб чиқишни янада долзарблаштиради.

Ривожланган давлатлардаги илмий-тадқиқот марказлари томонидан диний мазмундаги ахборот хуружларига қарши ёшларда ўз-ўзини ҳимоялашнинг диагностик-профилактик тизимини ишлаб чиқиш орқали инсон онгига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралаш муаммоларининг илмий-амалий тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда диний мазмундаги таҳдидларнинг сиёсий мазмун-моҳиятини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон миқёсида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш асоси сифатида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш сиёсатини олиб бориб, юртимизда ислом дини билан бир қаторда бошқа диний конфессияларнинг ҳам эмин-эркин фаолиятини таъминлайди. “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислום дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”¹. Шу нуқтаи назардан, беқарорлик ўчоғига айланаётган ҳамда сиёсий ислом ижтимоий-сиёсий ва геосиёсий жараёнларга аллақачон жалб этилган Марказий Осиё давлатларида рўй бераётган сиёсий

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

воқеликларни чуқур таҳлил этиш, диний муносабатларни тартибга солишнинг илмий асосларини яратиш зарурати долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизация марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 15 декабрдаги ПҚ-3433-сон “Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда Марказий Осиёни сиёсий фанлар доирасида тадқиқ этилган ўнлаб илмий нашрлар чоп этилган. Хусусан, Р.Алимов, С.Сафоев, У.Хасанов, С.Саидолимов, Ч.Кучаров, А.Жалилов, И.Бобоқулов, Ф.Толипов, Ф.Бафоев ва бошқа олимлар изланишларида минтақанинг геосиёсий ҳолати ва ундаги ташқи куч омили, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳамкорлик ва минтақавий интеграция, миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик каби масалаларга эътибор қаратилган. Шу ўринда Марказий Осиёга доир янги тадқиқотларни алоҳида қайд этиш лозим. О.Сирожовнинг “Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари” мавзуидаги докторлик диссертациясида Марказий Осиё давлатларидаги миллий ва минтақавий манфаатлар таснифи, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, минтақавий тараққиётни таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. М.М.Назиров томонидан Марказий Осиё давлатларида юз берган кўп қиррали сиёсий жараёнлар уларнинг ривожланиш босқичлари ва эволюциясидаги ўзига хос хусусиятларни Ўзбекистон миллий манфаатларидан келиб чиқиб тадқиқ қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Динийликнинг сиёсийлашуви ва дин омилининг сиёсий жараёнларга таъсири ҳамда араб ва мусулмон дунёсига доир илмий тадқиқот ишлари ва асарлар мавжуд бўлиб, улар масаланинг у ёки бу жиҳатларини қамраб олади.

Ҳозирги даврда Марказий Осиё республикаларида шу жумладан, мамлакатимизда дин омили, диний бағрикенгликнинг ўрни, унинг мазмун-

моҳияти ҳамда асосий тамойиллари, араб ва мусулмон дунёсидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга бағишланган кўплаб китоб, рисола ва мақолалар эълон қилинмоқда.

Араб-мусулмон давлатининг теократик асоси ва давлат бошқаруви принциплари, араб истилоларига доир масалаларга О.Г.Большаков, В.В.Бартольд, П.А.Грязневич тадқиқотларида асосий эътибор қаратилган бўлса, М.Б.Пиотровский, С.М.Прозоровлар ислом тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти, унинг вафотидан сўнг Арабистон ярим оролидаги беқарорлик, ислом жамоасининг бўлиниш жараёнларини ёритганлар. С.Э.Бабкин, В.Е.Донцов, Н.В.Жданов, А.А.Игнатенко, Р.Г.Ланда, А.В.Малашенко, С.А.Модестов, О.Г.Пересыпкин, Д.Сюкияйнен, С.А.Семедов, М.С.Зинченко, А.В.Малашенколарнинг ишларида эса мусулмон дунёсида исломнинг сиёсийлашуви ва “ислом омили”нинг бир қатор мусулмон мамлакатларидаги сиёсий-ижтимоий жараёнларга таъсири ўрганилган.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган диншунос ва сиёсатшунос олимлар А.А.Ҳасанов, З.М.Ҳусниддинов, Ҳ.Муҳамедов, Қ.Зоҳидов, З.Шокирова Арабистон ярим ороли тарихи, Араб-мусулмон дунёсида давлатчиликнинг шаклланиши, динийликдан дунёвийлик тамойилларининг бир-бирдан ажралиши, диний-сиёсий оқимларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Мамлакатимизнинг таниқли сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимларидан Ш.Пахрутдинов, З.Мунавваров, М.Муҳаммадсидиқов, С.Ғафуров, Ш.Ёвқочев, М.Ражабова, О.Юсупов, М.Нурутдинов, З.Ҳусниддинов, Ў.Ҳасанбоев, А.Тулупов, А.Абдисатторов, Ф.Каримовлар араб ва мусулмон давлатларидаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари, Яқин Шарқ, Форс кўрфази ва Шимолий Африка мамлакатларида ислом омилининг сиёсий жараёнларга таъсири каби масалаларни тадқиқ этганлар. Ушбу диссертацияни тайёрлаш жараёнида номлари санаб ўтилган олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари эътиборга олинди ва уларга муносабат билдирилди.

Юқоридаги илмий ишлардан фарқли ўлароқ ушбу тадқиқот ишида Марказий Осиё республикаларида исломнинг сиёсийлашув жараёнлари минтақавий хавфсизлик контекстида тадқиқ этилди ва мавжуд сиёсий-ижтимоий муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди. Бу олимларнинг илмий ишлари ва муаммога нисбатан муносабатларини диссертацияда кўриш ва танишиш мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ2017092810-сон “Ҳаракатлар стратегиясини бажариш мақсадларида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади динийлик, ислом дини сиёсийлашуви муаммосининг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари, унинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва сиёсий жараёнларга таъсирини очиб бериш, уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

динийликнинг сиёсийлашуви борасидаги назарий-концептуал қарашлар ва уни тадқиқ этишнинг услубий асосларини таҳлил этиш;

ислом дини сиёсийлашуви ҳақидаги назарий ёндошувларнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш;

глобаллашув шароитида ислом дини сиёсийлашувининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирини кўриб чиқиш;

Марказий Осиё республикалари қонун ҳужжатларида дин омилининг ўрни ва аҳамиятини сиёсий нуқтаи-назардан тадқиқ этиш;

Марказий Осиё республикаларидаги сиёсий-ижтимоий жараёнларга диний ташкилотларнинг таъсирини очиб бериш;

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда сиёсийлашган исломнинг ўрни ва ролига баҳо бериш;

илмий хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объектини динийликнинг сиёсийлашуви ва унинг Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири билан боғлиқ муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Марказий Осиёда ислом дини сиёсийлашувининг омиллари, шарт-шароитлари, унинг минтақа ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантиқий анализ ва синтез, контент таҳлил, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллар ҳамда тизимли ёндашувдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муқаддас ислом таълимотидаги муҳим арконлар (фарз амаллари) ўзгармас эканлигидан келиб чиқиб, диннинг эмас, аксинча динийликка бўлган муносабатларнинг муайян (ислом шиоридаги гуруҳларнинг ҳокимиятга интилиши, ташқи кучларнинг янги мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга уриниши) манфаатлар асосида ўзгариши, динийликнинг сиёсийлашувини асосий сабаби эканлиги очиб берилган.

динийликнинг сиёсийлашуви ижтимоий ҳаётдаги миллий манфаатларимизга, тикланиш ва юксалишга хизмат қилса барқарор тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиши, аксинча ҳолатда миллий таназзул ва инқирозга олиб келиши асослаб берилган.

аҳолининг айрим қатламлари диний-маърифий тафаккурида илмдан кўра ибодатга кўпроқ эътибор қаратилиши, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига салбий таъсирини кўрсатиб, аҳоли онгида диннинг асл

мазмун ва моҳияти ҳамда жамият тараққиётидаги позитив ролини тарғиб қилишда баъзи (расмий дин ходимлари ваъзларига эмас балки, виртуал фатволарга эргашиш) мураккабликларни юзага келтираётганлиги асосланган.

ҳозирги мураккаб, таҳликали, ўзгарувчан ва тасодифларга бой даврда динийлик сиёсийлашувининг муҳим ўрнини инобатга олган ҳолда аҳолини соғлом диний эътиқодини шакллантиришда давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги (давлат телерадиосида диний-маърифий эфирларни узлуксиз олиб бориш, “тарбия” фани доирасида динийлик масаласига эътибор қаратиш) ҳамкорликни самарали механизмини ишлаб чиқиш зарурати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ёритилиб, уларнинг асосий хусусиятлари очиқ берилган;

сиёсий исломни давлатларнинг сиёсий тизимлари фаолиятига таъсирининг ўзига хос тавсифи назарий жиҳатдан очиқ берилган ҳамда шу асосда дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари ёритилиб, бу борада назарий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашда конфессиялараро муносабатлар ва мулоқотни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар асосланган;

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий ҳамда Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказларида олиб бориладиган тадқиқот мавзулари, халқимиз онгида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик маданиятини юксалтириш ва сингдириш йўллари кенг тарғиб этиш бўйича таклифлар берилган;

давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олган ҳолда диний эркинлик ҳамда фуқароларнинг динга эътиқод қилишларига имконият яратиш бериш билан бирга, диний ташкилотларни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий сиёсатшуносликда эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилгани, маълумотлар расмий манбалардан, тадқиқот марказларининг таҳлилий ҳужжатларидан, оммавий ахборот воситаларидан олингани, ОАК рўйхатига қирадиган республика ва хорижий журналларда, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференциялар тўпламларида мақолалар чоп этилгани ҳамда хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан тегишлича тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан олий ўқув юртларида ўқув жараёнида халқаро муносабатларда дин омили, сиёсат ва дин, мусулмон

мамлакатлари ва замонавий халқаро муносабатлар, жаҳон таъсир марказларида ислом омили, Ўзбекистон Республикасининг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси каби фанлардан ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратиш билан очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада диний ташкилотлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Динийликнинг сиёсийлашуви ва унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига таъсири юзасидан ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

муқаддас ислом таълимотидаги муҳим арконлар (фарз амаллари) ўзгармас эканлигидан келиб чиқиб, диннинг эмас, аксинча динийликка бўлган муносабатларнинг муайян манфаатлар асосида ўзгариши, динийликнинг сиёсийлашувини асосий сабаби эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказида “Ислом ниқоби остидаги мутаассиб гуруҳлар” номли китобни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказининг 2021 йил 27 апрелдаги 01/170-сон маълумотномаси). Натижада, халқаро марказ мутахассисларининг диний экстремистик ҳамда радикал оқимларнинг бузғунчи ғояларига қарши аниқ ва ишончли раддиялар беришда, муқаддас ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни соҳталаштириш йўли билан турли фитна ва бузғунчиликлар содир этилаётганини ёшларга етказиш, илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашда хизмат қилган;

динийликнинг сиёсийлашуви ижтимоий ҳаётдаги миллий манфаатларимизга, тикланиш ва юксалишга хизмат қилса барқарор тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиши, аксинча ҳолатда миллий таназзул ва инқирозга олиб келиши борасидаги илмий асосланган хулосалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолият режасидаги “Интернет орқали радикаллашув: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари” мавзусида онлайн республика илмий-амалий конференциясини ўтказишда ҳамда марказда нашр этилган “Исломофобияни бартараф этиш омиллари”, “Исломда ижтимоий иллатлар муолажаси”, “Европада исломофобиянинг жадаллашуви” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 12 декабрдаги 121-сон далолатномаси). Мазкур хулосалар, маърузаларда

келтирилган илмий асосланган материаллар вилоят ва туманлар отинойиларида дин ниқобидаги турли таҳдидларни фаоллашуви, бу таҳдидларга қарши курашда ёшларда ахборот истеъмол маданиятини юксалтириш йўллари ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилган;

аҳолининг айрим қатламлари диний-маърифий тафаккурида илмдан кўра ибодатга кўпроқ эътибор берилаётгани, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига салбий таъсирини кўрсатиб, аҳоли онгида диннинг асл мазмун ва моҳияти ҳамда жамият тараққиётидаги позитив ролини тарғиб қилишда баъзи мураккабликларни юзага келтираётганлиги борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, хусусан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, унинг ҳудудий кенгашлари фаолиятида, партия ташкилотларининг 2020 йил иш режасининг 2.3. ва 2.4. бандларини ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 28 январдаги 02\2-103-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар партия тизимида фаолият олиб бораётган ёшлар орасида диннинг асл мазмун ва моҳияти ҳамда жамият тараққиётидаги позитив ролини тарғиб қилишда баъзи мураккабликларни юзага келтираётган айрим омилларни бартараф этиш борасида тарғибот кўникмалари шаклланишига ва уларнинг назарий ва эмпирик билимларини бойитишга хизмат қилган;

ҳозирги мураккаб, таҳликали, ўзгарувчан ва тасодифларга бой даврда динийлик сиёсийлашувининг муҳим ўрнини инобатга олган ҳолда аҳолини соғлом диний эътиқодини шакллантиришда давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни самарали механизмини ишлаб чиқиш заруратига оид илмий хулосалари ва илмий мақолаларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ-3080-сонли Қарорининг 2.6-бандидаги “Ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этади” ва 2.7-бандидаги “Ислом динининг асл гуманистик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳон аҳлини бир мақсад йўлида – жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга чорлайди” каби бандларини ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг 2020 йил 8 июлдаги 211/20-сон далолатномаси). Натижада тадқиқотнинг илмий хулосаларидан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси доирасида илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашда, халқаро миқёсда динлараро цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (улардан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 139 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи амалий натижалари баён қилинган. Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жамият таракқиётида динийликнинг сиёсийлашувини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асослари”** деб аталган. Ушбу бобда динийлик сиёсийлашувининг хусусий сиёсий жараён сифатидаги моҳияти, динийлик сиёсийлашувининг ижтимоий-тарихий генезиси ҳамда уни таснифлаштириш тамойиллари, динийлик сиёсийлашувини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар таҳлили ўрганилган.

Дин ўз табиатига кўра, ўта мураккаб ижтимоий-маънавий ҳодиса бўлиб, ғайритабиий кучларнинг мавжудлигига нисбатан ишончнинг ҳосиласидир. “Дин” атамаси араб тилидан таржима қилинганда “ишонч”, “ишонмоқ” деган маъноларни англатади¹.

Давлат ва дин муносабатларида динийлик сиёсийлашувини тадқиқ этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Давлат ва диннинг ўзаро алоқаси замонавий илм-фаннинг энг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлат қурилишида дин доим фаол иштирок этган. Шу билан бирга, давлат ва конфессиялараро муносабатлар тарихи зиддиятларга тўла. Турли даврлардаги яқин ҳамкорлик

¹Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Т.: ТИУ, 2014. – Б. 323.

тўқнашувлар ва ўзаро даъволар билан алмашилиб келади. Ҳам давлат сиёсати, ҳам дин инсониятнинг ижтимоий фаолияти намоён бўлишининг энг қадимий шаклларида бири бўлгани сабабли, уларнинг ўзаро таъсирини инсоният ривожланишининг ҳар қандай босқичида топиш мумкин¹.

Жамият онгининг шакллари сифатида дин ва сиёсат доимо ўзаро таъсир қилади, чунки уларнинг ташувчилари деярли бир хил. Сиёсат ва диннинг ўзаро таъсири икки даражада — таркибий ва функционал даражада содир бўлади.

Дин ва сиёсат ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик диннинг жамиятда бажарадиган асосий функциялари билан боғлиқ. Дин турли ижтимоий функцияларга эга ва уларнинг аксарияти билвосита жамият орқали ҳалигача сиёсатга таъсир қилади². Шу нуқтаи назардан сиёсатга хос бўлган иккита энг муҳим функция — тартибга солиш ва интеграл динга ҳам хос экани борасида хулосалар чиқаришга асос бўлади.

Диннинг сезиларли даражада кучайиб бориши ҳам ижтимоий институт шаклида, ҳам сиёсат субъекти сифатида ҳамда миллий маданият ва тарихнинг маънавий манбаи ҳамда фалсафий ва ахлоқий таълимнинг бешиги сифатида тобора муҳим роль ўйнамоқда. Шу билан бирга, динлараро муносабатлар энди стратегик глобал муаммолар тоифасига ўтмоқда, уларнинг ечими қуролсизланиш, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, экология ва бошқа масалалар билан бир қаторда халқаро тартибга солиш мавзусига айланиши кераклигига аҳамият қаратиш лозим бўлмоқда.

Сиёсатшунос М.Муҳаммадсиддиқов “Кишилиқ жамияти ривожининг кейинги босқичларида диннинг сиёсатга бўлган таъсири янада кўпроқ акс эта бошлади. Буларнинг бари диний урушлар (араб истилоси, салиб юришлари, диний қирғинлар ва ҳоказо) каби диний-сиёсий воқеликларда яққол акс этди”³, деб таъкидлайди. Диннинг сиёсий ҳаётга фаол жалб этилганини бугунги кунда жаҳонда юз бераётган жараёнлар ҳам кўрсатмоқда. Масалан, диний дунёқараш негизида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётган турли ташкилотларга асос солинмоқда.

Шу ўринда исломдаги сиёсийлашув мутлақо замонавий ҳодиса эмаслигини таъкидлаш ўринли. Бунинг устига дин сифатида ислом тарихида бу вақти-вақти билан такрорланиб ва тасдиқланиб келмоқда. Шунинг учун ушбу ҳодиса юзага келган пайтдаёқ ўрганиш мавзусига айланган эди.

Сиёсийлашувнинг умумий назариясидан маълумки⁴, сиёсийлашув ёки радикализм ҳодисаси бир маънодаги ижобий ёки салбий тусга эга эмас. Чунки ундай ёки бундай баҳо бериш муайян сиёсий-маданий мазмунга

¹Соляник О.В. Взаимоотношение государства и церкви: автореферат. дис. канд. юрид. наук. Краснодар, 2007. – С. 37.

²Политология. Под ред. Радугина А.А. - Москва: Центр, 2004. – С. 201.

³Муҳаммадсиддиқов М.М. Араб мамлакатларида давлат ва дин муносабатлари. Монография. – Т.: ЎзХИА, 2019. – Б. 23.

⁴Авцинова Г.И. Политический радикализм в России: концептуальные подходы к понятию и путинеutralизации//Вестник МГУ. Серия 12. Социально-политические исследования. – 1995. - №3-4 идр.авторы; Добаев И.П. Исламский радикализм: сущность, идеология, политическая практика//Дисс. Насоиск.док.фил.наук. – Ростов-на-Дону, 2003. – С.58.

боғлиқ. Дарҳақиқат, радикализм мафкураси бир маънодаги салбий ёки ижобий маънога эга эмас. Радикализмни сиёсийлашган исломдаги ўта кескин оқим деб бўлмайди (бундай оқим сифатида экстремизм ва террорчилик юзага чиқмоқда). Чунки яратувчан рухга эга бўлган қатъий мусулмон ислоҳотчилари радикализмни мавжуд ёки мавжуд бўлиши мумкин. Аммо “ислом радикализи” иборасини аниқ мазмун билан тўлдириш масаласи ханузгача очиқ қолмоқда. Чунки ушбу ҳодисанинг ягона, умумэътироф этилган таърифи бугунгача мавжуд эмас. Бу борада муайян тадқиқотчиларнинг ёки тадқиқотчилик тузилмаларининг нуқтаи назари мавжуд, холос.

Шу билан бирга, сиёсийлашган исломнинг кескин шаклларда намоён бўлиши фақат фундаментализмга хос эмас. Тадқиқотчилар қайд этиб ўтганидек, исломлаштиришнинг ўта кескин жараёнлари жамиятнинг кескин ўзгариши (одатда тизимли инқирозлардан келиб чиқадиган инқилоблар, қайта қуришлар, фитналар ва бошқа ижтимоий сиёсий ҳодисалар) даврида юз беради. Бунда нафақат фундаментализм, балки анъанавийлик ҳам жадал сиёсийлашади ва кескинлашади. Шу билан бирга, тадқиқотлар натижасида ислом радикализининг кенгайишига араб дунёвий миллатчилигининг лаёқатсизлиги имкон яратганлиги борасида хулосалар чиқариш имконини бермоқда. Бундан ташқари, исломдаги радикаллашув жараёни мусулмон оммасининг умумий заиф ижтимоий-маданий савияси ва эҳтимол, энг муҳими, аксарият мусулмон мамлакатларда сақланиб қолган эскилик, ақоидларга риоя қилиш, мусулмон таълимотига замонавий ёндашувдан уларнинг устунлиги, замонавийликка яққол қарши турувчи маросимлар, расм-русумлар, анъаналар билан боғлиқ.

Фикримизча, сиёсий ислом ёки ислом радикализи вужудга келишининг асосий қарашлари анъанавий исломга ҳамда мавжуд жамиятнинг дунёвий тартиботига мос келмайдиган ислом фундаментализми ёки салафийлик мафкурасидир. Шу боис улар анъанавийчилар уларнинг талабларига мос тарзда яшашини, ўз турмуши ва ҳаётини барпо этишини ёқлаб чиқмоқда. Фикримизча, айнан шундай кайфият радикализмга, экстремизм ҳамда террорчиликка ундамоқда.

Илмий ишлар таҳлили исломнинг сиёсийлашув омилларига нисбатан ягона қараш йўқлигини ва бу масалани тадқиқотчилар ўз илмий фаразлари доирасида ўрганганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, З.Убайдуллаев¹нинг илмий ишида Тожикистон ислом тикланиш партиясининг ташкил этилиши, унинг сиёсий жараёнлардаги иштироки 1992–1997 йиллардаги фуқаролик урушида кўзга ташланганлигини, урушнинг асосий ташкилотчиларидан бири ислом партиясини бўлганлиги, муҳолиф гуруҳлар айнан ислом партиясини атрофида бирлашганлиги ва партиясининг Афғонистон диний-сиёсий кучлари билан алоқалари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотчи ўз илмий изланишида

¹Убайдуллаев З. Межтаджикский конфликт в контексте региональной безопасности: генезис и современность // Магистр. дисс. Вып. школа. – Ташкент, 2006.

ислом партиясининг ташкил топишига собиқ СССРнинг айрим лидерлари сабабчилигини ҳам ёритиб берган.

Тожикистонлик Г.Мирзоев¹ Тожикистонда ислом дини сиёсийлашувининг ижобий жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилиб, ўз илмий ишида ислом дини ҳокимиятни шакллантиришда интегратор эканлигини акс эттиради. Тадқиқотчи ислом омилини Марказий Осиё мисолида ҳам тадқиқ этишга ҳаракат қилади ва исломий қадриятларнинг ўхшаш хусусиятларини ёритади.

Бундан ташқари, сиёсатшунос Ш.Ёвқочев² исломнинг сиёсийлашуви ва сиёсий курашлар босқичида радикал йўлга ўтиши билан боғлиқ тадқиқотларини Миср Араб Республикаси мисолида ўрганади. У мавзу доирасида Марказий Осиёдаги жараёнларга экстраполяция қилади ва қиёсий таҳлил ўтказиши ҳамда ўз қарашларида исломнинг сиёсий аҳамият касб этиб бориши муайян чегаралар доирасида бўлиши лозим деган дастлабки хулосаларга келади.

Шунингдек, Е.Жуков³ 1992–1997 йиллардаги зиддиятли шароитда ислом тикланиш партияси ҳаракатлари, муҳолиф гуруҳларнинг бирлашуви, демоисломчиларнинг ташқи муҳит билан алоқалари, хусусан, Эроннинг демоисломчиларни қўллаб-қувватлаши ва бугунги кунда ҳам Тожикистон жамиятида исломнинг сиёсийлашувида асосий қўлловчилардан бири бўлаётганлигини ёритиб берган.

Дин билан сиёсатни бирлаштириш ислом тамаддунининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Бу шундан келиб чиқадики, исломда христианликка хос бўлган руҳийлик ва дунёвийликни фарқлаш мавжуд эмас. Ислом шу маънодаги “умумий дин”ки, ижтимоий ҳаётга ўзининг бошқарувчи кўрсатмаларини олиб кирган ҳолда ижтимоий ҳаётнинг барча томонига таъсир кўрсатади. Шу боис ҳукмрон раҳбариятнинг исломга мурожаат қилиши мураккаб зиддиятли тусга эга. Бир томондан, Марказий Осиёдаги барча давлатлар ўз конституцияларига мувофиқ дин сиёсатдан ажратилган дунёвий давлатлар ҳисобланади⁴.

Мазкур бобда динийликнинг сиёсийлашувига оид таърифлар ва уларнинг сабаблари ҳам келтириб ўтилган. Россиялик сиёсатшунос С.А.Семедовнинг таъкидлашича, “Диннинг сиёсийлашуви — бу барча жаҳон динларида диний фундаментализм юзага келадиган жараёндир”⁵. Мисрлик Аҳмад Хусайн Якубнинг фикрига кўра, ислом сиёсийлашуви — бу модернизация ва глобаллашувга бўлган жавобдир⁶.

¹ Мирзоев Г. Ислам в контексте общественного сознания Таджики (история и современность). Дисс.кан.наук. – Душанбе, 2009.

² Ёвқочев Ш. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. кан. наук Ташкент.:2000.

³ Жуков Е. Политика Ирана по отношению к Республике Таджикистан. – Ташкент, Магистр. дисс. ВШСАП, 2005.

⁴ Малашенко А.В. Ислам и политика в государствах Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. 1999. - №4(5). – С. 59-66.

⁵ Семедов С.А. Ислам в поисках новой системы миропорядка // Роль государственных органов управления в предотвращении экстремизма. Материалы научно-практической конференции. - Махачкала, 2009. – С.56.

⁶ يعقوب أ.ح. النظام السياسي في الإسلام. – القاهرة: دار الإسلامية, 1996. ص. 121.

XX-XXI асрлар оралиғида ислом ҳам мамлакатлар ичидаги, ҳам халқаро миқёсдаги сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатувчи жиддий омилга айланди. Шу пайтда исломнинг сиёсийлашуви дунёда ижтимоий-сиёсий кескинликни келтириб чиқарди. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Академик муҳитда дин ва исломнинг сиёсийлашуви сабаблари ҳақида ягона фикрнинг ўзи йўқ. Сиёсатшунослик, фалсафа ва публицистикада сиёсийлашувни кўпинча радикаллаштириш билан бир хил деб ҳисоблайдилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, “исломлашиш” тушунчаси “исломнинг сиёсийлашуви” ёки “сиёсий ислом” тушунчалари билан бир хил мазмунга эга эканлиги кўпгина сиёсатчилар ҳамда диншунослар томонидан эътироф этилмоқда. Ушбу оқим тарафдорлари диннинг жамиятдаги ўрни ва ролини ўзгартириш лозимлигини таъкидлаб, дунёвий ҳокимият ислом таълимоти қоидаларига мос келмаслигини ва бу сингари сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд бўлишини рад қилишади.

Умуман олганда шундай хулосага келиш мумкин, исломлашиш, сиёсий ислом ёки ислом динига бўлган қарашларнинг сиёсийлашуви бу ўзаро тенг мувозанатга эга тушунчалардир. Бунинг моҳиятида ислом динидан фойдаланувчи гуруҳларнинг сиёсий ҳокимиятга бўлган интилиши ҳамда ҳокимиятни қўлга киритиши асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ислом дини сиёсийлашувига қуйидагича муаллифлик таърифини бериш мумкин: ислом динининг сиёсийлашуви — сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ёки унинг фаолиятини назорат қилиш мақсадида диний билимлари суст бўлган тарафдорлар кучидан фойдаланиш йўли орқали шахсий сиёсий мақсадларни амалга ошириш йўлида фойдаланишдир.

Таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, исломни сиёсийлаштириш — бу исломчиларнинг, исломий гуруҳларнинг муқаддас диндан ғаразли мақсадларда, жумладан, зўравонлик йўли билан ҳокимият тепасига келиш учун фойдаланишга уринишидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”, деб таъкидлайди¹.

Таҳлилларга кўра, сиёсийлашув жараёни барча дунё динларига хос бўлиб, бу доимий жараёндир. Аммо исломнинг сиёсийлашуви борасида фикр юритилганда исломда дин ва сиёсатга бўлиниш йўқлиги омилига эътибор қаратиш лозим.

Умуман олганда, ушбу бобда диний ҳукмларга бўлган муносабатларнинг сиёсийлашуви борасидаги назарий-концептуал қарашлар, ислом динининг сиёсийлашуви ҳақидаги назарий ёндашувлар, уларнинг моҳияти, ривожланиш босқичлари ҳамда глобаллашув шароитида ислом

Яқуб А.Х. Ан-Низом ас-сиясий фи ал-ислам. – Ал-Қоҳира.: Дар ал-ислабийй, <http://dar.bibalex.org/webpages/mainpage.jsf?PID=DAF-Job:107373>

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

дини аҳкомларига нисбатан ёндашувлар сиёсийлашувининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Марказий Осиё тараққиётида давлат ва дин муносабатларининг трансформацияси”** деб аталган. Унда Марказий Осиёда динийликнинг сиёсийлашуви: моҳияти, сабаблари ва оқибатлари, Марказий Осиё давлатлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида дин омили, Марказий Осиё давлатлари ижтимоий-сиёсий жараёнларида исломий партияларнинг ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган.

Марказий Осиёда ислом динининг сиёсийлашув эволюциясини таҳлил этиш минтақага ислом дини ва арабларнинг кириб келиши билан боғлиқ бўлиб, VII-VIII асрдан бошлаб Марказий Осиё давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ислом дини бевосита таъсир этиб келган. Ислом қоидалари бугунги кунга қадар бир қатор мусулмон давлатлар сингари Марказий Осиё давлатлари урф-одатлари, анъаналари ва айрим ҳуқуқий масалаларда ўз аксини топган.

АҚШлик исломшунос Б.Люис “Исломнинг илк даврдан бошлаб мусулмонларда дин ва давлат узлуксиз боғлиқлигини кўрсатиб келади. Буни ёзма манбалар, тарих ҳамда тажриба асослайди”, деб таъкидлайди¹. Сиёсатшунос А.Х.Яқубнинг фикрича, “Сиёсат ва диннинг алоқадорлиги ислом дини принципларида жамланган идеал жамият яратишдек фикрлар билан мос келади”². Шу боис тадқиқотнинг мазкур бобида бевосита Марказий Осиё республикаларидан Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонда ислом дини сиёсийлашувининг эволюциясини тадқиқ этишда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мурожаат этилган.

Совет иттифоқининг парчаланиб, Марказий Осиёда янги мустақил давлатларнинг ташкил топиши ҳамда бошланғич даврда уларнинг сиёсий бошқарув тизимида мафкуравий бўшлиқнинг мавжуд бўлиши радикал гуруҳларнинг исломдан фойдаланиб, сиёсий тизимга кириб келишига замин яратди. Айрим давлатларнинг бу ҳолатга ўз вақтида эътибор қаратмагани ушбу давлатларда дин омилининг сиёсий тизимда акс этишига ва сиёсий кучлар томонидан қарши кураш бошланганда ўз тарафдорларидан восита сифатида фойдаланишига сабаб бўлди. Буни 1992–1997 йилларда Тожикистонда бўлиб ўтган фуқаролар уруши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бир қатор араб ва мусулмон давлатлар сингари сиёсий тизимнинг кучсизлиги оқибатида Марказий Осиё давлатларидан Тожикистонда ҳам исломчиларнинг сиёсий ҳокимиятга келиши амалиётда кузатилди. Унга қарши ўз вақтида мақсадли сиёсий инструментлардан фойдаланилмаганлиги бунинг асосий омили бўлиб қолди. Бу эса бугунги таҳдидлар кучайган шароитда мамлакатимиз миллий хавфсизлигига таҳдид солиши ва минтақада радикал исломнинг кенгайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

¹Lewis B. The Return of Islam // Religion and Politics in the Middle East. - Westview Press, 1981. - P.133-154.

²يعقوب أ.ح. النظام السياسي في الإسلام. - القاهرة: دار الإسلامية, 1996. ص. 121.

Яқуб А.Х. Ан-Низом ас-сиясий фил-ислам. – Ал-Қоҳира: Дар ал-исламийй, <http://dar.bibalex.org/webpages/mainpage.jsf?PID=DAF-Job:107373>

Ушбу ҳудудда вазият ўзгариб бораётгани ва аҳоли онгида сунъий яратилган диний-ғоявий бўшлиқнинг юқорилигидан хорижий ислом марказлари ҳамда Марказий Осиёдан чиқиб кетган этник ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ миллатига мансуб фуқаролар тезкорлик билан фойдаланиб қолишди. Натижада диний мактаблар ва таълим марказларининг ҳам сони ортиб, улар тўғридан-тўғри хориждан молиялаштирилган. Бу гуруҳлар тарғибот тадбирларини амалга ошириш, ислом дини ақидаларига мойиллиги юқори фуқароларни ўзларига жалб қилиш ва танлаган йўллари ҳамда мақсадлари тўғри эканлигини аҳоли онгига етказишда хорижий ислом марказлари, ҳатто мустақил давлатлар расмий ҳукуматлари ва давлат диний ташкилотларини ортида қолдирди. Мазкур жараёнда хорижий ислом марказлари томонидан олдиндан яширин намоён бўлиб келган муҳолиф гуруҳларни ҳам молиялаш ҳамда ўқув-таълим дастурларида фундаментал ислом таълимоти билан бирга радикал ижтимоий ва сиёсий қарашларни ҳам тарғиб қилиш кучайтирилган. Бунинг натижасида сиёсий ҳокимиятни оппозицион чиқишлар ёки қуролли можаролар келтириб чиқариш йўли билан эгаллашни ёқловчи кичик гуруҳларнинг шаклланиши кучайди. Ҳатто бу жиҳатларнинг ривожланиб кетиши олдиндан яширин фаолият олиб борган партиясифат ташкилотларнинг расмий диний-сиёсий партия сифатида ташкил топишига олиб келди. 1990-йиллардаги ҳодисалар айнан исломчиларнинг жамиятни, дунёвий давлат сиёсатини исломлаштириш борасидаги уринишлари Тожикистондаги фуқаролар уруши вужудга келишининг асосий сабабларидан бири бўлганини кўрсатди. Шунинг учун Марказий Осиё республикаларида давлатчиликнинг дунёвий шаклини сақлаб туриш ўта муҳим.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов диннинг аҳамиятига тўхталиб, “Бир томондан ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссани, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда.

Иккинчи томондан ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш учун қурол сифатида фойдаланилади. У бир туғ вазифасини бажаришга қодир. Бу туғ остида эса аниқ бир дастурий мақсадларни изловчи эмас, балки фақат бир кўрсатмага — ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар бирлашади”¹ деб таъкидлайди.

Сиёсий тизимнинг кучсизлиги оқибатида Тожикистонда ислом дини сиёсий ҳокимиятга келди. Унга қарши ўз вақтида мақсадли сиёсий инструментлардан фойдаланилмагани бунга асосий омил бўлди. Бу эса, бугунги таҳдидлар чексизлиги шароитида мамлакатимиз миллий хавфсизлигига таҳдид солиши ва минтақада радикал исломнинг кенгайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

¹Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 423.

Ислом динининг аҳамияти хусусида Тожикистон Республикаси Президенти И.Раҳмоннинг қуйидаги қарашларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. У “Бизда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғоялари, шунингдек, у томонидан тарқатилаётган ғоявий билимлар бугунги замонавий дунёнинг нотўғри томонларини билиб олишга имкон бериши ва мусулмонларнинг ўз-ўзини англашига ва ғоявий-ахлоқий ҳамжиҳатлигини таъминлашига ҳеч қандай шубҳа йўқ”¹.

Бугунги кунга келиб, бошқа минтақалар каби Марказий Осиёда ҳам диний кадриятларнинг уйғониши, диннинг жамиятдаги ўрни кундан-кунга ортиши кузатилмоқда. Шу билан бирга, муқаддас динимиз таълимотларига боғлиқ бўлган мутлақо янги хавф-хатарлар ҳам шаклланыпти. Натижада сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг кескинлашуви, диннинг сиёсийлашуви ҳамда конфессиялараро зиддиятларнинг авж олиши кучайиб бормоқда. Бу каби таҳдидларнинг жамият барқарорлигига салбий таъсирини аниқлаш, олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагиларга асосан шундай хулосага келиш мумкинки, назаримизда, Марказий Осиё республикаларида, хусусан, Тожикистонда ислом динининг сиёсийлашувига мамлакатнинг мустақиллиги эълон қилинганга бўлган даврда шаклланган қулай муҳит ва шарт-шароит, аҳолининг анъанавий исломга мойиллигининг юқорилиги, ижтимоий ҳамда иқтисодий муаммоларнинг ўз вақтида ҳал қилинмаганлиги, шунингдек, маҳаллийчиликнинг юқорилиги фундаментал асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ташқи куч омилини ҳам назардан четда қолдирмаслик мақсадга мувофиқ.

Ушбу бобда бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар шароитида турли характер ва кўринишга эга бўлган хавф ва таҳдидларнинг пайдо бўлиши илм-фан олдида уларни ўрганиш каби муҳим вазифаларни қўяётганлиги, илмий асосланган методлар асосида уларни бартараф этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишни тақозо қилиши каби масалалар таҳлили асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг учинчи — **“Марказий Осиё давлатларининг диний сиёсийлашувининг олдини олиш борасидаги сиёсати ва унинг истиқболлари”** деб номланадиган бобида Марказий Осиёда диний сиёсийлашувнинг ташқи шарт-шароитлари ва миллий хавфсизликни таъминлаш масаласи, ислом динининг Марказий Осиё давлатларидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларга таъсири ҳамда Ўзбекистоннинг терроризм ва экстремизмга қарши кураш сиёсати: стратегик ташаббуслар ва халқаро ҳамкорлик масалалари ўрганилган.

Марказий Осиё республикаларидан бири бўлган Қирғизистон Республикасида бугунги кунда диний тикланиш ва қайта исломлаштириш жараёнлари мамлакат аҳолисининг сиёсий онгига таъсир этаётган фаол омилларга айланмоқда. Маълумотларга кўра, аҳоли жон бошига тўғри

¹Президент Таджикистана Эмомали Рахмонов поздравил мусульман республики с праздником Рамадан. <http://viperson.ru/wind.php?ID=473250&soch=1>. 12.11.2004 г.

келадиган масжидлар сонидан келиб чиқиб, Қирғизистон бугунги кунда Марказий Осиёдаги энг диний мамлакат ҳисобланади. Бу ерда ҳам ташқаридан молиялаштириладиган диний жамғармалар ва марказларнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири кундан-кунга ортиб бормоқда. Шундай қилиб, бошқа собиқ иттифоқ республикаларидан фарқли ўлароқ, Қирғизистонда исломий диний ташкилотларни, шу жумладан, Яқин Шарқ, Туркия, Покистон ва бошқа мусулмон давлатларнинг турли жамғармалари ва марказларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун кўпроқ имконият ва эркинликлар яратилган. Ички (мафкуравий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий) омиллар билан бир қаторда экзоген омилларнинг фаол таъсири мамлакатда полиморфик исломнинг шаклланишига асос бўлиб, унда мўътадил ҳанафий мазҳабидан бошқа кескин оқимлар, шу жумладан, салафийлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Собиқ иттифоқ мамлакатлари орасида ягона Қирғизистонда “Таблиғ жамоати” диний ташкилоти фаолияти тақиқланмаган. Уни тақиқлаш бўйича ташаббуслар 2009 йилда бошланган, аммо рад этилган. Ушбу ташкилотнинг республикадаги фаолияти ўз-ўзидан сиёсий бўлмаган. Шунинг учун у хавfli эмас, деб ҳисобланади. Мамлакатдаги таблиғ жамоалари етакчиларидан бири ҳисобланган Қирғизистон собиқ муфтиси Мақсат ажи Тўхтомушев Қирғизистонда бундай ташкилот мавжудлигини бутунлай инкор этади ва “Таблиғ жамоати” номи, ўзи таъкидлаганидек, тарғибот орқали исломга даъват қилишни англатади¹. Бу ташкилотни сиёсий эмас, деб жар солишларига қарамай, мамлакатда диний соҳа бўйича қабул қилинадиган қонун лойиҳаларига доимо яширин таъсир ўтказиб келади². Масалан, мамлакат парламенти — Жўқўрку кенгесида намозхоналарни очиш, шунингдек, жума намози учун депутатларга қўшимча вақт ажратиш масалалари муҳокамаларида “Таблиғ жамоати”нинг фаол таъсирини кўриш мумкин.

Қирғизистонда дин азалдан сиёсатнинг воситаси ва субъектига айланган. Бунга мисоллар кўп. Қирғизистонда дин ходимлари ва таниқли уламоларнинг сиёсий жараёнларга аралашуви ортиб бормоқда. Исломий кадриятлар жамиятда қизгин мунозараларга сабаб бўлиб, ҳатто мамлакат парламентида муҳокама этилмоқда.

Сўнгги қонун лойиҳаси 2016 йилда парламент томонидан рад этилган. Бу эса диний жамоаларнинг баъзи аъзолари ўртасида норозиликларни келтириб чиқарди. Кейинчалик муфтий М.Токтомушев ва Қирғизистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши раҳбари А.Нарматовга диннинг сиёсатга аралашушига йўл қўйилмаслиги тўғрисида расмий огоҳлантиришлар берилди³.

¹ Мақсат Токтомушев: “В муфтияте работают не одни ангелы” (10.02.2014) // URL: https://www.gezitter.org/society/27607_maksat_toktomushev_v_muftiyate_rabotayut_ne_odni_angelyi/

² Ўша жойда

³ Атамбаев высказался по законопроекту о джума-намазе и скандалу вокруг него (10.06.2016) // URL: <https://ru.sputnik.kg/politics/20160610/1026379619.html>

Аслида республикада дунёвий, демократик қадриятларнинг исломий, диний қадриятлар билан тўқнашуви мавжуд бўлиб, 2011 йилда Жўқўрки кенгесда жума намозини ўқиш учун депутатларга масжидга боришга икки соатлик танаффус бериш масаласи муҳокама қилинганлиги бунга мисол бўлади.

Исломий риторика ва диний қадриятларга риоя қилинишини намойиш этиш Қирғизистонга хос. Хусусан, сиёсатчилар диний электоратни қўллаб-қувватлаш ва исломий қадриятларни эъзозлашини ва унга амал қилишини намойиш этиш орқали ўз обрўсини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Парламентнинг бешинчи чақириқ депутати Турсунбай Бакир ўғли Конституцияга эмас, балки Қуръонга қасамёд қилган ягона депутатдир. Унинг ташаббуси билан 2014 йилда парламентда мусулмонлар учун намозхоналар очилди. Бу фуқаролик жамияти вакиллари томонидан давлатнинг дунёвий мақомини ва ҳуқуқларини бузиш деб баҳоланишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, парламент экс аъзосининг жума кунини дам олиш куни деб эълон қилиш керак деган ташаббуси кўпчилик депутатлар томонидан қабул қилинмаганлиги унутилмас ҳодиса бўлди¹.

Республикада дин хизматчиларининг фаолияти, шунингдек, сайловолди даврда сиёсий арбобларнинг исломий нутқ сўзлаши анъанавий тус олди. Бунга сиёсатчиларнинг имижини кўтариш мақсадида 2015 йилдаги парламент сайловлари ва 2017 йилдаги Президент сайловларида диндан фаол фойдаланилгани далил бўлади. 2020 йилдаги сайловолди ташвиқот ишларида ҳам диний омил четда қолиб кетмади.

Ўз навбатида, Қирғизистондаги масжидлар ҳомийлар фойдасига “юмшоқ” ташвиқот марказларига айланмоқда. Масжид хизматчилари ўз ваъзларида масжидни қурганларга ёки уларга ёрдам берганларга бата (дуои фотиҳа) бериши мумкин. Шу сабабли мамлакатда сиёсатчилар томонидан масжидлар қурилиши оммалашиб бормоқда.

Айни пайтда Қирғизистондаги диний гуруҳларда кўпинча расмий тиббиётга шубҳа мавжудлигини, масалан, дори-дармонларда “ҳаром” таркибий қисмлар борлигини баҳона қилиб, эмланишдан бош тортишни кузатиш мумкин. Бунга ёрқин мисол мамлакатда тақиқланган “Йакын инкар” радикал ташкилоти бўлиб, ўзининг ҳаддан ташқари мутаассиблиги ва янги нарсалардан воз кечиши билан танилган. Мазкур ташкилот болаларни дунёвий мактабларда ўқитиш ва телефондан фойдаланишдан бош тортган.

Умуман олганда, минтақадаги бошқа мамлакатларга нисбатан Қирғизистондаги диний вазият исломий ташкилотлар мавжудлигининг хилма-хиллиги ва кенглиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда Қирғизистонда 2 минг 910 та ислом ташкилоти, шу жумладан, 2669 масжид ва 125 мадраса фаолият кўрсатмоқда. Таққослаш учун: 1991 йилда

¹ Турсунбай Бакир уулу оятыя прелдлагает обявить пятницу выходным днем (02.06.2015) // URL: https://24.kg/parlament/13595_tursunbay_bakir_uulu_opyat_predlagaet_obyavit_pyatnitsu_vyihodnyim_dnem/

